

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Джуманов Дилшод Сафаралиевич,
ТМИ доценти, и.ф.н.

E-mail: djumanovdd@mail.ru

Сайиткулова Парвина Илҳом қизи,
Тошкент молия институти магистранти

E-mail: parvinasss@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасида олиб борилган ислохотлар таҳлил қилинган ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш бўйича илмий ҳулоса ва тавсиялар келтирилган.

Аннотация: В этой статье анализируются реформы в уровне жизни и благосостоянии населения страны, а также разработываются научные выводы и рекомендации для дальнейшего повышения уровня жизни и благосостояния населения.

Abstract: This article analyzes reforms in the standard of living and welfare of the country's population, and develops scientific conclusions and recommendations for further improving the living standards and welfare of the population.

Калитли сўзлар: аҳоли, турмуш даражаси, фаровонлик, аҳоли даромадлари, эҳтиёж, иш ҳақи, пенсия, товар, озиқ-овқат, истеъмол харажатлари.

Кириш

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис қонунчилик палатасига Мурожаатномасида қайд этилишича, давлатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди [1].

Шу ўринда, тадқиқотимиз объекти ҳисобланган - аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги аҳоли даромадлари, соғлиқни сақлаш, саводхонлик даражаси, маданий ҳаёти, бўш вақтнинг мавжудлиги, атроф муҳит каби бир қатор факторларга боғлиқ бўлиши билан бирга, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида самарадорликни баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланиб, уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир.

Мустақиллик йилларида ушбу йўналиш бўйича мамлакатимизда салмоқли вазифалар бажарилди, яъни давлатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини олиб бормоқда, мисол учун 2006 йил “Қарияларни қадрлаш йили”, 2007 йил “Аҳолини ижтимоий химоя қилиш йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ва шу номларга мос ислохотларнинг амалга оширилиши бунинг яққол исботидир.

Аҳоли турмуш даражасини ўрганишнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, биз ушбу мақолада статистик тадқиқотларга таянган ҳолда мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш масалаларини чет мамлакатлар

тажрибаси асосида илмий жиҳатдан таҳлил қиламиз, хулоса ва таклифлар тайёрлаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига энг муҳим вазифалар сифатида қараб, “инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланганлиги”нинг аҳоли турмуш даражаси ошишига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Мурожаатномада халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасига доир таҳлилий-танқидий маълумотлар келтирилиб, мақоламизда ушбу жиҳатларни ҳам тадқиқотимиз объекти сифатида қараганмиз [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2018 йил ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар асосида таҳлиллар қилиб, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилувчи энг муҳим вазифаларни белгилаб оламиз, жумладан, фармонда қайд этилишича, аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида янги йўллар барпо этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги темир йўллар қуриш ва электрлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш чораларини кўриш лозим. [2].

Қ.Ҳ. Абдурахмонов, Ш.Р. Холмўминовнинг тадқиқотларида аҳоли турмуш даражасига таъриф берилиб, уни оширишга доир назарий маълумотлар берилган, жумладан, аҳоли турмуш даражаси деганда уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиш даражаси тушунилади. Биз мақолада ушбу таъриф асосида статистик таҳлиллар қилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқамиз [3].

А. Ўлмасовнинг “Иқтисодиёт асослари” китобида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг бир нечта таърифлари назарий жиҳатдан келтирилиб, у мунтазам ўзгариб турадиган, турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бунда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш юзасидан таклиф, тавсиялар келтирилган [4].

Ғ.Л. Хусаинов, П.И. Сайиткулова Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалалари, жумладан, 2017 йилда ўзбекистонликларни нархлар, коммунал хизматлар ва ижара ҳақи, кредитлар, солиқларни тўлашдаги қарзлар туфайли келиб чиққан муаммолар ташвишга солди. Газ, ичимлик суви билан таъминлаш масалалари, мактабгача таълим муассасаларининг етишмаслиги, юқори бўлмаган пенсиялар ва ижтимоий нафақалар ҳам фуқароларнинг айрим тоифалари учун ташвиш ва безовталик манбалари таҳлил қилиниб, ушбу тизимни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бозор муносабатларига асосланган Ўзбекистон иқтисодиётида ходимларнинг иш ҳақи масалалари тўғрисида муаллифларнинг илмий қарашлари баён этилган [5].

Қозоғистон Республикасининг 2016 йил 29 ноябрдаги “2017–2019 йиллар учун республика бюджети тўғрисида”ги 25-VI-сонли Қонуни. Россия Федерацияси Ҳукуматининг 08.12.2017 йилдаги “2017 йил III чораги учун умуман Россия Федерацияси бўйича аҳоли жон бошига ва аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари бўйича тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш тўғрисида”ги 1490-сонли қарори. Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 8-сон қарори. Қирғизистон Республикасининг Миллий статистика қўмитаси ахборотлари асосида таҳлилий маълумотлар келтирилган [6].

Ўзбекистон статистика қўмитаси томонидан бериб бориладиган ахборотлар асосида мамлакатимиз аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан илмий, назарий тадқиқотлар ўтказилиб, хулосалар яратилган [7].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз мавзуси мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш масалаларига бағишланганлиги сабабали, аввало, мавзу доирасидаги мамлакатимиз Президентининг қарор ва фармонлар, ҳукуватимиз қарорлари билан белгиланган вазифаларга ҳамда мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзунини ўрганилганлик даражаси тадқиқ этилган. Тадқиқот методологияси сифатида статистик тадқиқот, адабиётлар қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли турмуш даражаси деганда уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиш даражаси тушунилади. Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар жуда кўп эҳтиёжларни ўз ичига олади. Буларга мисол қилиб меҳнат шароити, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби кўплаб эҳтиёжларни айтиш мумкин.

Турмуш даражаси бир томондан, мунтазам ўзгариб турадиган, турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади [4].

Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодалаш учун "турмуш даражаси", "халқ фаровонлиги", "турмуш фаолияти хавфсизлиги", "турмуш тарзи", "меҳнат фаолияти сифати", "турмуш сифати" каби турли хил тушунчалар қўлланилади.

Статистик таҳлилларга аҳамият қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион АҚШ долларига етди [5].

Аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ дастлабки фактор - аҳоли сонига назар ташлайдиган бўлсак, республика аҳолиси 1926 йилда – 4,6 млн. кишини, 1939 йилда – 6,3 млн. кишини, 1959 йилда – 8,1 млн. кишини, 1970 йилда – 11,8 млн. кишини, 1979 йилда – 15,4 млн. кишини, 1989 йилда эса 19,8 млн. кишини ташкил этган, 2017 йил 1 январь ҳолатига 32,1 млн. кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 млн. кишига, яъни 55,9 фоизга ўсган [8].

Ёш таркиби бўйича 1991 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар (0-15 ёшдагилар) 43,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (эркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш) 49,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (эркаклар 60 ёш ва ундан катта, аёллар 55 ёш ва ундан катта) 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатига мазкур кўрсаткичлар мос равишда 30,1 фоиз, 60,5 фоиз ва 9,4 фоизни ташкил этган. Бундан кўринадики, 2017 йилда 1991 йилга нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар улуши камайиш тенденциясига эга бўлиб, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар улуши ўсган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ёш таркиби (фоизда)

№	Аҳолининг ёш таркиби	1991 йил	2011 йил	2017 йил
		1 январь ҳолатига	1 январь ҳолатига	1 январь ҳолатига
1.	Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар	43,1	31,3	30,1
2.	Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	49,1	61,1	60,5
3.	Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар	7,8	7,6	9,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1991 йилда республикада 723,4 минг нафар бола туғилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффиценти 34,5 промиллени, мазкур йилда 130,3 минг киши вафот этган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти 6,2 промиллени, аҳолининг табиий ўсиши 593,1 минг кишига, яъни 1000 аҳолига нисбатан табиий ўсиш коэффиценти 28,3 промиллени ташкил этган. 2004-2015 йилларда туғилганлар сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда республика тарихида энг кўп, яъни 734,1 минг нафар боланинг туғилганлиги қайд этилган (2-жадвал).


2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари (минг киши)

Кўрсаткичлар	1991 й.		2001 й.		2016 й.	
	Сони	1000 аҳолига нисбатан	Сони	1000 аҳолига нисбатан	Сони	1000 аҳолига нисбатан
Туғилганлар	723,4	34,5	513,0	20,4	726,2	22,8
Ўлганлар	130,3	6,2	132,5	5,3	154,8	4,9
Аҳолининг табиий ўсиши	593,1	28,3	380,5	15,1	571,4	17,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республика ҳудуди 448,97 минг кв.км ташкил этиб, ўртача 1 кв.км.га 71,5 киши тўғри келади, жумладан, зич яшайдиган аҳоли ҳудудларига – Тошкент шаҳри (1 кв.км.га 7257,9 киши), Андижон (1 кв.км.га 689,0 киши), Фарғона (1 кв.км.га 527,3 киши), Наманган (1 кв.км.га 356,5 киши) вилоятлари тўғри келса, бирмунча аҳолиси зич бўлмаган ҳудудларга – Навоий вилояти (1 кв.км.га 8,5 киши) ва Қорақалпоғистон Республикаси (1 кв.км.га 10,9 киши) киради.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли зичлиги (2017 йил 1 январь ҳолатига 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони)

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқоридаги статистик таҳлиллар, аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи билвосита омиллар ҳисобланса, қуйидаги иқтисодий таҳлиллар аҳоли фаровонлигига таъсир қилувчи бевосита омиллар сифатида баҳоланади.

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар изчил равишда ўсиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, 2000-2016 йилларда аҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияларини кузатиш мумкин. Аммо сўнгги йилларда даромадларнинг таркибидаги асосий манбалардан ҳисобланган иш ҳақи ҳамда пенсияларнинг ўсиш суръатлари пасайган бўлиб, бу ҳолат аҳолининг умумий даромадларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган (3-жадвал).

3-жадвал

2000-2016 йилларда республика аҳолиси даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар

Кўрсаткичлар номи / йиллар	2000	2005	2010	2016
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	96,4	371,8	1668,1	4565,2
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиши (%)	124,7	117,4	120,1	110,0
Йиллик ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм	13,5	81,5	504,8	1293,8
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, (%)	146,0	138,7	129,4	110,4
Белгиланган ўртача пенсия миқдори, минг сўм	7,4	31,7	171,9	494,2
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, (%)	152,0	143,5	125,9	112,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Пенсия даромаднинг махсус тури бўлиб, у қарилик ёки ногиронлик туфайли ишга ярамай қолганларга давлат ва фирмалар томонидан тўланади. Қарилик пенсияси ишлаб топилган, лекин берилиши кечиктирилган даромадга киритилади. Ҳар бир киши ишлаган кезларида топган пулининг бир қисmini пенсия жамғармасига ўтказиб боради, бу пул ходим пенсияга чиққач, унга маълум меъёрда қайтарилади. Ногиронлик пенсияси ишлаб топилган пул бўлмай, ўзини-ўзи боқа олмайдиган кишиларни моддий таъминлаб туриш учун жамият томонидан ажратилган пулдир. Пенсиялар миқдори ходим ишлаган кезларида олган пул даромадига ҳамда ишга яроқсизларнинг қобилиятини қай даражада йўқотганлигига қараб табақалашади.

Нафақа даромаднинг махсус тури бўлиб, ижтимоий ёрдамга муҳтожларга, одатда камбағалларга бир йўла ёки муқим равишда давлат, фирмалар ёки хайрия ташкилотлари берадиган пулдан иборатдир. Нафақанинг миқдори моддий имкониятларга боғлиқ [4].

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар мунтазам равишда ошиб борган ва даромадлар 2016 йил 2000 йилдагига нисбатан 11,7 марта реал ошган. Шунингдек, ушбу давр оралиғида ўртача иш ҳақи ҳамда пенсиялар миқдори мос равишда 23,6 ва 18,1 марта ортган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсияларнинг ўсиши динамикаси (баробар)

Кўрсаткичлар номи / йил	2005 йил	2010 йил	2016 йил
Реал даромадлар	2,0	6,2	11,7
Ўртача иш ҳақи	3,1	13,4	23,6
Ўртача пенсия	2,4	9,2	18,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Даромадларнинг тенг тақсимланишини акс эттирувчи Джини коэффиенти республикада 2000 йилдаги 0,39 дан 2016 йилда 0,26 гача камайди. Бу эса ўз навбатида жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича аҳоли табақаланишининг сезиларли даражада камайишидан дарак беради.

Бу ўзгаришларни децил ҳамда квинтил гуруҳлари кесимида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2000-2016 йилларда децил коэффицентининг 21,1 баробардан 6,4 баробаргача, квинтил коэффицентининг эса 9,9 баробардан 4,1 баробаргача камайиш тенденциясини келтириш мумкин.

Аҳоли жон бошига йиллик нисбатан кўп даромад миқдори Тошкент шаҳри ва Бухоро, Тошкент, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳиссасига тўғри келса, аҳоли жон бошига йиллик энг кам даромад миқдори Қорақалпоғистон Республикасига (3193,5 минг сўм) тўғри келади [7].



2-расм. Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлар миқдори (минг сўмда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан бир вақтда мамлакатимизда истеъмол товарларининг маҳаллийлаштирилиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиб келинмоқда. Шунингдек, аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби йилдан-йилга оптималлашиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар барқарорлашиб, нооziқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатлар улуши ортиб бормоқда.

Жумладан, 2016 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 14,1 фоизга камайган бўлса, нооziқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун харажат 7,6 фоизга ва хизматлар учун харажатлар улуши 6,5 фоизга ошган (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2000-2016 йилларда аҳоли истеъмол харажатларининг таркибий ўзгариши (фоизда)

№	Истеъмол харажатлари номи	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2016 йил
1.	Озиқ-овқат маҳсулотлари	61,4	58,2	53,2	47,3
2.	Нооziқ-овқат маҳсулотлари	25,8	25,7	26,9	32,3
3.	Хизматлар	12,8	16,1	19,9	20,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Истеъмол харажатлари таркибини янада кенгроқ талқин этиш орқали, аҳоли томонидан энг кўп озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга (47,3%), нооziқ-овқат маҳсулотларига (32,3%), хизматлар соҳасига (20,4%) харажатлар амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

2016 йилда истеъмол харажатлари таркиби

Жами истеъмол харажатлари – 100%										
Озиқ-овқат маҳсулотларига – 47,3%			Нооziқ-овқат маҳсулотларига – 32,3%			Хизматлар соҳасига – 20,4%				
Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга – 44,3%	Уйдан ташқарида овқатланишга – 2,5%	Алкоголь ичимликларга – 0,5%	Кийим-кечак ва оёқ кийимларга – 10,3%	Маиший техника ва электроника – 1,0%	Бошқа нооziқ-овқат маҳсулотларига – 22,0%	Коммунал хизматлар – 7,7%	Алоқа ва транспорт хизматлари – 6,1%	Таълим олиш хизматлари – 1,9%	Соғлиқни сақлаш хизматлари – 1,4%	Бошқа хизматларга – 3,3%

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикада доимий аҳоли ўртача сони 2000-2016 йилларда 29,2 фоиз ошганига қарамай, охириги 16 йил давомида аҳоли даромадларининг мунтазам ўсиши молиявий имкониятларнинг мустақамланишини ва аҳоли томонидан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмининг ошишини таъминлади. Жумладан, 2016 йил якунлари бўйича сабзавотлар – 277,2 килограмм, мевалар – 148,8 килограмм, тухум – 213,6 дона, гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 44,4 килограмм, сўт

ва сут маҳсулотлари – 279,6 литр, картошка – 56,4 килограмм, шакар – 32,4 килограмм, ўсимлик ёғи – 24,0 килограммни ташкил этди [7].

2000-2016 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми, асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт ва гўшт маҳсулотлари 1,3 марта, сут маҳсулотлари 1,7 марта, тухум 4,5 марта, сабзавот ва полизлар 2,2 марта, картошка 1,6 марта, шакар ва қандолат маҳсулотлари 2 марта, мева ва резаворлар 3,5 марта, ўсимлик ёғи эса 2 мартага ошган.

Иқтисодиётда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига таъсир этувчи яна бир муҳим омил борки, у бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки барча давлатлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгалламоқда, бу – истеъмол саватчасидир.

Истеъмол саватчаси – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўпламидир. Одамнинг овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиш каби маҳсулотлар саватчасини яратиш учун асос ҳисобланади.

Истеъмол саватчаси қуйидагиларни белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлади: энг кам иш ҳақи ва пенсиялар; базавий ижтимоий тўловлар: ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар ва бошқалар.

Истеъмол саватчасига кирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар: табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Анъанага кўра истеъмол саватчаси 3 қисмдан иборат бўлади: озиқ-овқат маҳсулотлари; ноозиқ-овқат товарлари: кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар; хизматлар: коммунал, транспорт, маданий-маърифий ва ҳоказо.

Одатда истеъмол саватчаси аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи: меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлигини ҳисоблаш керак. Бунда истеъмол саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаши мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкогольли ичимликлар, тансиқ маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди.

Истеъмол саватчасига киритиш бўйича озиқ-овқат товарлари юзасидан бир қарорга келиш мумкин, аммо хизматлар белгилашда саволлар юзага келиши табиий. Ҳақли савол туғилади: аҳоли тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда қандай хизматлар тўлови ҳисоб-китобга киритилиши керак? Тўғри, биринчи навбатда, булар коммунал ва транспорт харажатларидир. Айни вақтда, инсон ўз ҳаётининг фаолиятида бошқа, долзарблиги жиҳатидан муҳим сервис турларидан ҳам фаол фойдаланади: уяли алоқа ва интернет, тиббий ёрдам, турли мутахассислар маслаҳатлари каби. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирлар: театр, музейларга

бориш харажатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро киши нафақат жисмоний эҳтиёжларини қондириши, балки ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада ривожланиши лозим. Шу сабабли ушбу санаб ўтилганларнинг бари истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда инobatга олинши лозим.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, республикамизда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлигача ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш режалаштирилмоқда [2].

Чет мамлакатлардаги ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, Россияда 1997 йилдаги “Россия Федерациясидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида” ва 2012 йилдаги “Умуман Россия Федерацияси бўйича истеъмол саватчаси тўғрисида”ги қонунлар амал қилади. Россияда истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда қайта белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ярмини (50%), ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар эса – ҳар бири чорак қисмини (25% + 25%) ташкил этади.

Қозоғистонда истеъмол саватчаси илмий асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг физиологик нормалари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларга харажатларнинг қатъий белгиланган улуши минимал истеъмол саватчаси қийматининг 45%и миқдорида белгиланади. Яъни қозоғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 55%ни ташкил этади.

Умуман олганда, 2017 йил 4-чорагида мамлакатлар валюталарининг расмий курси бўйича АҚШ доллари эквивалентида тирикчилик учун зарур энг кам миқдор Россия Федерациясида: аҳоли жон бошига - \$178, меҳнатга лаёқатли аҳоли учун - \$192,35, пенсионерлар учун - \$146,43, болалар учун - \$175,48; Беларусь Республикасида: меҳнатга лаёқатли аҳоли учун - \$211,16, пенсионерлар учун - \$166,59, тўрт кишилик оила учун - \$164,9; Қирғизистон Республикасида: бутун аҳоли учун - \$71,09, меҳнатга лаёқатли аҳоли учун - \$79,5, пенсия ёшидаги аҳоли учун - \$63,65; Қозоғистон Республикасида: бутун аҳоли учун - \$75,44 [6].

Кўриниб турибдики, мамлакатлар бўйича рақамлар кескин фарқланади. Бу нимадан далолат беради? Истеъмол саватчаси инсоннинг истеъмол товари ва хизматларга минимал харажатларидан ташкил топиши сабабли уларнинг нархлари алоҳида олинган мамлакат аҳолисининг турмуш кечириш қийматига бевосита таъсир кўрсатади. Шу тариқа, тирикчилик учун зарур энг кам миқдорнинг юқорилиги – доридармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал хизматлар ва бошқаларнинг қимматлигидан далолат. Бундан ташқари, турли ижтимоий ва ёш гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳар хил бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фикримизча, мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш учун қўйидагиларни инobatга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

аҳоли турмуш даражасини баҳолашда жон бошига тўғри келадиган даромад, харажатларнинг таркибий ўзгариши, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлиги билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, аҳоли истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси,

замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан қониқиш каби муҳим кўрсаткичлардан фойдаланиш;

хориж тажрибасининг таҳлил натижалари билан бирга, Ўзбекистонда истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдорларини ишлаб чиқиш;

истеъмол саватчасини ишлаб чиқиш учун қуйидагиларни алоҳида инobatга олиш зарур: демографик омиллар (оилалар катта-кичиклиги ва тузилиши, аҳолининг таркиби ва жинс-ёш тузилмаси); ижтимоий-иқтисодий омиллар (оилаларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши); барча гуруҳдаги аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг даромади даражаси; инсон саломатлигини сақлаш ва ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам истеъмол ҳажмлари ҳамда товар ва хизматлар рўйхати бўйича илмий тавсиялар; аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга доир давлатнинг молиявий имкониятлари; товар ва хизматларнинг реал бозор нархлари; бошқа мамлакатларнинг тажрибаси.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. Тошкент. 2017й. 22.12. www.uza.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2018 йил ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги фармони.

3. Абдурахмонов Қ.Ҳ, Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Тошкент - 2004 йил.

4. Ўлмасов А. “Иқтисодиёт асослари”. Т.: Меҳнат - 1997 йил.

5. Хусаинов Ғ.Л., Сайиткулова П.И. “Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалалари”. Иқтисодиёт ва таълим. №1, 2018. 93-96 бетлар.

6. Қозоғистон Республикасининг 2016 йил 29 ноябрдаги “2017–2019 йиллар учун республика бюджети тўғрисида”ги 25-VI-сонли қонуни. Россия Федерацияси Ҳукуматининг 08.12.2017 йилдаги “2017 йил III чораги учун умуман Россия Федерацияси бўйича аҳоли жон бошига ва аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари бўйича тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш тўғрисида”ги 1490-сон қарори. Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 8-сонли қарори. Қирғизистон Республикасининг Миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

7. www.registr.stat.uz.

8. www.minjust.uz.

9. www.norma.uz

10. <http://www.rbc.ru/business>.